



КИБЕРЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ

Пулатов Фахриёр Батиралевич

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10352111>

ARTICLE INFO

Received: 05th December 2023

Accepted: 10th December 2023

Online: 11th December 2023

KEY WORDS

Ахборот, ахборот макон, жиноят, жиноятчилик, жазо, жавобгарлик, кибержиноят, компьютер, технологиялар, маълумотлар.

ABSTRACT

Кибержиноят тушунчаси ва унинг ўзига хос белгиларига доир масалалар таҳлил этилган. Бундан ташқари, мақолада муаллиф кибержиноятда компьютер ёки маълумотларнинг ўзи жиноятнинг мақсади ёки объекти ёки бирон бир ҳуқуқбузарликни содир этишда ишлатиладиган восита ҳисобланиши, ушбу жиноят учун зарур маълумотларни тақдим этиши ҳамда бундай жиноятларнинг барчаси “Кибержиноят” атамасининг кенг таърифига кириши борасида ҳам ўз фикрларини баён этади. Шунингдек, муаллиф мақолада “кибержиноят” тушунчасига муаллифлик таърифини беради.

Маълумки, замонавий дунёни турли хил технологиялардан фойдаланмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. сўнгги йилларда “Интернет” ва инсониятнинг ахборот технологиялари соҳаларидаги ихтиролари натижасида Ахборот маконидан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда ва шу тариқа унинг таъсири доимий равишда кенгаймоқда.

Натижада бутун инсоният сингари жиноят олами ҳам ривожланиб, ахборот технологиялари соҳасини мукамал ўрганган баъзи бир шахс ёки гуруҳлар жиноят содир этишнинг янги технологияларини ўзлаштирмоқдалар.

Хуллас, ахборот маконини ўзлаштириш технологиясининг пайдо бўлиши билан жиноятнинг янги тури – кибержиноятлар юзага келди.

Дунё миқёсида кибержиноятларнинг тарқалиши шахдам қадамлар билан кундан кунга ривожланиб бормоқда. Шу муносабат билан кибержиноятчилик муаммосини тушуниш масалалари замонавий жамиятнинг энг муҳим Кибержиноятлар ҳар бир даврда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожини туфайли турлича доктринал ва расмий таърифларга эга.

Кибержиноятнинг вужудга келиши билан тадқиқотчилар ўртасида “кибержиноят” атамаси қанақа бўлиши ва ушбу атама нималарни ўз ичига олиши кераклиги ҳақида мунозаралар пайдо бўлиб, хонузгача давом этиб келмоқда. Тадқиқотчилар ўртасидаги баҳслар давомида “кибер жиноят” ва “компьютер жинояти”



атамаларининг комбинацияси масаласини кўтарадиган бир неча назариячилар мавжуд, бу икки тушунча ўртасидаги муносабатлар бўйича биринчи назарияда “кибер жиноят” атамаси “компьютер жинояти”га қараганда кенгроқлигини таъкидлайди.

Ушбу назариянинг вакиллари – рус олимлари В.А.Номоконов ва Т.Л.Тропина ўз тадқиқотларида “кибержиноят” тушунчасини келтириб чиқарадиган сўзларнинг маъносини тавсифловчи хорижий изоҳли луғатларни таҳлил қилиб, таҳлил натижаларига кўра, “кибержиноят” атамаси “компьютер жинояти”дан кенгроқ деган хулосага келишди.

Улар ўз фикрларида ахборот маконида содир этиладиган жиноятларнинг моҳиятини аниқроқ ва тўғри тасвирлайдилар, бундан ташқари, тадқиқот натижаларига кўра, олимлар “кибер жиноят”га ўзларининг таърифларини беришган. Уларнинг фикрича, “кибержиноят - бу компьютер тизимлари ёки компьютер тармоқлари, шунингдек кибермаконга киришнинг бошқа ёрдамида ёки улар орқали кибермаконда, компьютер тизимлари ёки тармоқлари воситалари доирасида ҳамда компьютер тизимларига, компьютер тармоқларига қарши содир этилган хар қандай жиноятлар мажмуидир¹.

Шунингдек Россиянинг бошқа бир гуруҳ олимлари яъни Т.Н. Шарыпова ва А.А.Сидоренко ўз назариясида “кибер жиноят” атамаси “компьютер тизими ёки тармоғи ёрдамида, компьютер тизими ёки тармоғи доирасида, компьютер тизими ёки тармоғига қарши содир этилиши мумкин бўлган хар қандай жиноятни” бирлаштирган деб ҳисоблайдилар. “компьютер жинояти”га қараганда кенгроқ маънога эга деган назарияни энг тўғри деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу ёндашув вакиллари томонидан берилган таъриф кенгроқ ҳаракатлар доирасини ўз ичига олади ва замонавийлик талабларига яхшироқ жавоб беради. Кибержиноятнинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун терминологиядан ташқари, ушбу турдаги жиноятларнинг ўзига хос белгиларини ҳам мукамал ўрганиш керак бўлади.

Бу умумий содир этилган жиноятлардан ахборот макондаги жиноятларни алоҳида таҳлилин олиб боришлик учун имконият беради ҳамда кибержиноятларга қарши курашишнинг энг самарали чораларини белгилаб беради.

Кўпгина тадқиқотчилар кибержиноятнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича, ўз фикрларини бериб ўтганлар. Жумладан, рус олим И.Г.Чекунов ички ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида кибержиноятчилигининг нафақат жиний қилмишларини ўзига хос белгиларининг тавсифи балки жиноятнинг субъектлари, мақсадлари ва жиноятни фош этишдаги мураккаблиklarини кўрсатиб беради.

Тадқиқот муаллифи И.Г.Чекунов кибержиноятчиликнинг қуйидаги фарқловчи белгиларини ажратиб кўрсатади:

Жиноятчилар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ўз мақсадларига эришишади;

кибержиноят трансчегаравий хусусиятга эга ва виртуал усулларда содир этилади;

¹ ITU Toolkit For Cybercrime Legislation. ITU, 2017



кибержиноятлар яширин тарзда содир этилади ва “ҳам давомли ҳамда бир марталик” жиноий ҳолатлари бўлиши мумкин;

бундай жиноятларга оид далилларни тўплаш қийин;

ахборот маконида жиноятлар сонининг ўсиши бевосита технологик тараққиётнинг ривожланиши ва унинг натижаларига боғлиқ;

кибержиноятларни субъекти асосан “ИТ технологиялари соҳасида чуқур билимга эга мутахассислари” ҳисобланади;

кибержиноятлар асосан жудда катта миқёсда иқтисодий фойда олиш мақсадида содир этилади;

кибержиноятларнинг гуруҳлар таркибида содир этилишига нисбатан ортиб бораётган тенденциялари мавжуд;

жиноятларни фақат “ҳодисадан кейинги режимда” аниқлаш мумкин.

Кейинчалик, Россиялик олимлар А.А.Коновалов, С.А.Наумова, Д.Д.Колесниковалар глобал компьютер тармоқларида содир этилган жиноятларни таҳлил қилиб, кибержиноятнинг қуйидаги хусусиятларини аниқлайдилар:

жиноят содир этилишид тармоқ ахборот маконининг ўзига хос хусусиятлари билан юқори даражада яширинганлиги (ишлаб чиқилган анонимлик механизмлари, инфратузилманинг мураккаблиги ва бошқалар) таъминланганлиги;

тармоқ жиноятларининг трансчегаравий хусусияти, бунда жиноятчи, жиноий тажовуз объекти, жабрланувчи турли давлатлар ҳудудларида жойлашган бўлиши мумкинлиги, жиноятчиларнинг алоҳида махсус тайёргарлиги, жиноий фаолиятнинг интеллектуал хусусияти, жиноят содир этиш усулларининг мураккаблиги, хилма-хиллиги, жиноят содир этилиши усуллари тез-тез янгиланиб борилиши ҳамда махсус воситалар қўлланилиши;

жиноятлар автоматик тартибда бир вақтнинг ўзида бир неча жойда содир этилиши имкониятлари мавжудлиги, жиноят содир этилишида жабрланувчиларнинг кўплиги ҳамда ушбу жиноятларнинг кўп эпизодлик характерига эгаллиги, жабрланувчиларнинг жиноят қурбонига айланиши тўғрисидаги тассавурга эга эмаслиги, жиноятчилар томонидан жабрланувчилар билан муносабатга кирмасдан масофадан туриб, жиноий мақсадларини амалга ошириш имкониятлари мавжудлиги, анъанавий усуллар билан бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйишнинг имконияти мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир”.

Бизнинг шу бугунги ҳолатимизда ахборот маконининг компьютер тизимларидан анча узоқлашиб кетганлиги тўғрисидаги фикрларга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Шу муносабат билан, “кибержиноят” атамаси бу компьютерлар билан боғлиқ ёки улар ёрдамида содир этилган жиноятдир.

Оддий сўзлар билан айтганда, “компьютердан фойдаланилган жиноят ёки жиноятни кибержиноят дейиш мумкин”. Қизиғи шундаки, ўғирлик каби жиноят ҳам кибержиноятнинг кенг доирасига киритилиши мумкин. Агар бундай жиноятга ёрдам бериш учун асосий маълумотлар ёки ёрдам компьютер ёки компьютерда сақланадиган (ёки нотўғри ишлатилган) маълумотлар орқали берилган бўлса, жиноятчи I.T. Act, 2000 компьютер тармоғи маълумотлари каби сўзларни белгилайди.



Кибер жиноятда компьютер ёки маълумотларнинг ўзи жиноятнинг мақсади ёки объекти ёки бирон бир ҳуқуқбузарликни содир этишда ишлатиладиган восита ҳисобланиб, ушбу жиноят учун зарур маълумотларни тақдим этади. Бундай жиноятларнинг барчаси “Кибержиноят” атамасининг кенг таърифига киради.

Кибержиноятлар - бу технологияга асосланган жиноятлар бўлиб, унда компьютер ёки интернетнинг ўзи бундай жиноятларни содир этиш учун қурол ёки восита сифатида ишлатилади.

Улар киберфирибгарлик, хакерлик, маълумотларни ўғирлаш, фишинг, идентификатор ўғирлаш ва бошқалар каби уюшган ва оқ ёқали жиноятларидир.

Кибержиноятлар технологияни чуқур тушунадиган жиноятчилар томонидан технология ёрдамида содир этилади. Аслида, кибержиноятчилар Ахборот технологияларининг нозик томонларини тушунадиган технократлардир.

Кибержиноятлар ҳеч қандай ҳудудий чегара ёки тўсиқни билмайди ёки тан олмайди.

Умуман олганда, кибержиноятларни қуйидаги учта тоифага бўлиш мумкин:

1. Мақсадли кибержиноят: Бу жиноятнинг мақсади компьютер бўлган жиноятдир.
2. Воситали кибержиноят: Бу жиноят содир этишда компьютердан восита сифатида фойдаланиладиган жиноятдир.
3. Компьютер тасодифийлиги: Бу жиноят содир этилишида компьютер унчалик катта бўлмаган рол ўйнайдиган жиноятдир. 2000 йилдаги Ахборот технологиялари тўғрисидаги қонунга кўра, Кибержиноят 2000 йилдаги “Ахборот технологиялари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ жазоланиши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида таърифланиши мумкин.

Бироқ, бу тўлиқ таъриф эмас, чунки Ҳиндистон Жиноят кодексида электрон почтани бузиш ва кибер туҳмат, таҳдидли электрон почта хабарларини юбориш ва ҳ.к. каби баъзи кибер жиноятлар ҳам қамраб олади.

Кибержиноятлар ҳар бир даврда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожини туфайли турлича доктриналар ва расмий таърифларга эга. Хусусан, Европа Кенгашининг 2001 йилдаги “Компьютер жиноятлари тўғрисида”ги Конвенциясига асосан “кибержиноят кибермуҳитда содир этиладиган ҳар қандай жиноятдир”².

Бу энг тўғри фикр, сабаби истаган бир технология ривожланиши мумкин, бироқ содир этиладиган қилмишларнинг барчаси кибермуҳитда содир этилади ва кибермуҳитга барча технологиялар иштироки бўлган ижтимоий хавфли қилмишлар бажариладиган жараёнларни қамраб олувчи муҳит кирилади. Ҳақиқатан ҳам кибержиноятлар кибермуҳитда содир этиладиган жиноят ҳисобланади. Яъни кибержиноят, мисол учун киберўғрилик содир қилишдан олдин кибержиноятчи жабрланувчининг пул маблағлари сақланаётган картасининг паролига эга бўлади ҳамда телекоммуникация ёки Интернет тармоғи ёхуд бошқа тармоқдан фойдаланиб ўзининг қилмишини содир этади.

Айнан мана шу жараёндаги муҳитни биз кўз билан кўролмаймиз, қўл билан ушлай олмаймиз, аммо жабрланувчининг картасидаги кодни териб, қандай қилиб жиноятчи

² ЕС от 23.11.2001 года «Конвенцию о компьютерных преступлениях». Будапешт, Серии европейских договоров - № 185. <https://rm.coe.int/1680081580>.



ушбу маблағларга эга бўлишини англай оламиз. Бу муҳит эса, кибермуҳит дейилади. Умуман олганда, кибермуҳит ёки кибермакон тушунчалари биринчи марта 1982 йилда Канадалик фантастик ёзувчи У.Гибсон томонидан “Burning Chrome” новелласида ишлатилган бўлиб, ушбу тушунча “Neuromancer” романи орқали оммалашиб кетган³лигидан ҳам айтиб ўтишимиз жоиз.

Ҳуқуқшунос олимлар Н.Салаев ва Р.Рўзиев ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи, бевосита компьютер воситалари орқали ёки ахборот технологиялари воситасида содир этиладиган қонунга хилоф ижтимоий хавфли қилмишни ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардир деб атаб, унга компьютер жиноятчилиги синоним эканлигини таъкидлашади.

Шунингдек, компьютер тизими, тармоғи, шунингдек, уларга уланадиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида ҳамда компьютер тизими, тармоғи ёки компьютер ахборотига қарши кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни кибержиноят деб баён қилишиб, юқоридаги жиноятларни кибержиноятдан фарқли жиноят деб таъриф беришади⁴.

Ҳақиқатан ҳам, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар кибержиноятларнинг бир қисми бўлганлиги ва кибержиноятлар кенгроқ тушунча бўлганлиги сабабли ушбу фикрларга қўшилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, глобал тармоқ жиноятчилиги тушунчаси унга қадар мавжуд бўлган “компьютер жиноятчилиги”, тушунчаси билан тўла мос келмайди ва шунга кўра мазкур жиноятчилик тури бугунги кунда “кибержиноятчилик” тушунчаси билан аталиб келинмоқда.

Халқаро илмий ва ҳуқуқий амалиётда дастлаб “компьютер жиноятчилиги” тушунчаси, кейинчалик “компьютер билан боғлиқ жиноят”, “компьютер орқали жиноят содир этиш”, “электрон жиноятчилик” ва “юқори технологиялар жиноятчилиги”, “виртуал жиноятчилик” тушунчалари ишлатилиб, бугунга кунга келиб эса “кибержиноятчилик” ёки “глобал тармоқ жиноятчилиги” атамаси қўлланилмоқда.

Ушбу тушунчалар яратилишидан асосий мақсад айти пайтда Интернет глобал тармоғи орқали содир этилган жиноятчилик чегарасини аниқ белгилаш ва унга қарши курашда хос ёндашув зарур эканлигини тушунтириш бўлган деб олим И.Тораходжаева “кибержиноятчиликнинг компьютер жиноятчилигидан кенгроқ тушунча ҳисобланишини» таъкидлаб ўтади⁵.

Кибержиноятлар тушунчасининг вақтга нисбатан ўзаро боғлиқлигини яна 1979 йилда Даллас адвокатлар ассоциациясининг конференцияси томонидан дастлаб компьютер жиноятларининг асосий белгилари ўша пайтдаги мавжуд ахборот-

³ Абдуджалилов А. Теоретические проблемы гражданских правоотношений в Интернете. Дис. ... докт. юрид. наук. Душанбе - 2015. <https://lawbook.online>.

⁴Салаев Н.С., Рўзиев Р.Н. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография., – Т.: ТДЮУ, 2018, – Б.139.

⁵Тораходжаева И. Ўзбекистонда интернет тармоғи орқали содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари // – Т.: Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. – илмий-амалий журнали. 2019 (03)-сон. – Б.128-132.



коммуникация технологияларининг техник имкониятлари юзасидан белгиланганлиги орқали таъкидлашимиз мумкин⁶.

Масалани жиддийроқ тадқиқ этадиган бўлсак, Ўзбекистон жиноят кодексининг 244¹-моддасидаги қилмишни “тайёрлаганлик ёки тарқатганлик”дан ташқари, “сақлаганлик, намоёиш этганлик” каби тушунчалар билан бир қаторда, ушбу қилмишни “телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этган”ликка оид қоидалар кодекснинг мазкур моддасига киритилди⁷ ва натижада Интернет оламида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларнинг моҳиятига шахслар билиб-билмай “лайк” босиш билан боғлиқ қилмишлар ҳам жиноят деган, нотўғри амалиёт шаклланиб қолди.

Ваҳоланки, бутун дунёда ушбу ҳолат ҳам доктринал, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан жиноят деб эътироф этилмайди. Энди, савол туғилади, бу жиноят қонунчилигимизга нотўғри киритилган қоидами, асло. 2016 йилдаги ижтимоий муносабатлар ривожига нуқтаи назаридан мазкур норма тўғри киритилган. Чунки, телекоммуникация ва Интернет тармоғининг техник имкониятлари бўйича “лайк” босиш билан боғлиқ имкониятлар кейинчалик ривож топган, ўша пайтдаги иккала тармоқнинг техник имкониятлари жиҳатидан бу қоида тўғри киритилган, аммо бугунги кундаги тармоқдаги техник имкониятлар ушбу қоидани қайта кўриб чиқиш зарурлигин кўрсатмоқда.

Кибержиноятлар йиғиндиси, кибержиноятчиликни ташкил қилади ва бу Л.Бўрановнинг фикрига кўра, “кибержиноятчилик ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўплаб турдаги жиноятларни ўзида бирлаштирган жиноятлар мажмуидир”⁸.

Л.Кочкина кибержиноятчиликни “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар”, “ахборот жиноятлари”, “компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар”, “юқори технологиялар компьютерларидаги жиноятлар», “ахборот соҳасидаги жиноятлар” деб, эътироф этиб ўтади⁹, Т.Бородкина ушбу жиноятларни ахборот соҳасидаги жиноят, деб атагани¹⁰.

И.М.Рассолов эса, ушбу тоифадаги жиноятларни жиноят қонунчилигида алоҳида жиноят сифатида кўришни таклиф қилади¹¹. Ш.Толмасовнинг фикрича “кибержиноят инсонлар томонидан жиноят мақсадида ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланишдир”¹².

⁶ Широков В.А., Беспалова Е.В. Киберпреступность: история уголовно-правового противодействия. – М.: “Информационное право”, 2006. № 4. <http://center-bereg.ru/h1846.html>.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–405-сонли Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий ба заси.

⁸ Бўранов Л. Кибержиноятчиликка қарши курашишда интернет-маданиятнинг аҳамияти. 2018 й., <https://ictnews.uz/uz/15/05/2018/cybercrime/>.

⁹ Kochkina L. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. № 3 (17). – С. 2.

¹⁰ Бородкина Т.Н., Павлюк А.В. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. – С. 135-137.

¹¹ Рассолов И.М. Право и Интернет. Теоретические проблемы. –М.: Изд-во НОРМА, 2003. – С. 251-253.

¹² Толмасов Ш. Глобал макондаги кибержиноятчилик. <http://uz.denemetr.com>.



В.А.Дуленко, Р.Р.Мамлев, В.А.Пестриковнинг фикрича, “кибержиноят” бу компьютер тармоғидан фойдаланиб содир этилган, яъни электрон муҳитда содир этилган ҳар қандай жиноятдир¹³.

Умуман олганда ушбу тушунча ҳақида олимлар турлича тушунтириш беради, уларнинг бир қисми унга компьютер тармоғи орқали бир-бири билан боғланган ва бир вақтнинг ўзида турли географик нуқтада кесишувчи ҳар қандай компьютернинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган кишилар жамоасидир деб¹⁴, деб айтиб ўтади Уилям Гибсон.

Ёзувчи Уилям Гибсон томонидан 1984 йилдаги ўзининг “Cyberspace” (“Кибермакон”), деб номланган трилогиянинг биринчи романи “Neuromancer”да уни дунёнинг барча компьютерларидаги электрон маълумотлар айланиб юрадиган виртуал макон деб таърифлайди¹⁵.

Бошқа олимлар эса, уни рақамли муҳит деб атаб, уни алмашиш ва бошқариш, шунингдек, турли хил тармоқларда алоқаларни амалга ошириш мақсадида агентлар ўзаро таъсирининг ўта мураккаб тизимларини яратишга имкон берадиган ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотлари фаолият кўрсатадиган майдондир, деб тушунтириш бериб ўтади¹⁶.

Бунда, “виртуал” сўзи инглизча “virtual” ва русча “виртуальный” сўздан олинган бўлиб, воқеий бўлиб кўринган, бироқ вазифалари бошқа мосламалар томонидан бажариладиган функционал вазифадир¹⁷.

Ҳақиқатан ҳам, И.В.Романов, О.А.Кузнецова, В.А.Номоконов ва Т.Л.Тропинанинг фикрларида жон бор, сабаби ҳақиқатан ҳам ҳуқуқий, ҳам техник жиҳатдан кибержиноятлар компьютер жиноятларидан кенгроқ тушунча ҳисобланиб, у кибермуҳитда содир этилади.

Бундай икки хил тушунча пайдо бўлишига ушбу тушунчанинг луғавий маъноси сабаб бўлган бўлиб, ушбу тушунча инглизча сўздан олинган бўлиб, компьютер, бошқариш, деган маъноларни англатгани учун кўпчилик олимлар уни компьютер жиноятчилиги билан бир ўринга қўйишади.

Мазкур фикрлар таҳлил қилиш натижасида, “кибержиноят”га қуйидагича муаллифлик таърифини берамиз: *“ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар, робототехника ёки уларни қамраб олувчи кибертехнологиялар орқали ёки уларга нисбатан кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар, яъни ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жазо қўллаши таҳдиди билан жиноят кибержиноят деб топилади”*.

¹³ Дуленко В.А. Использование высоких технологий криминальной средой. Борьба с преступлениями в сфере компьютерной информации: учебное пособие. Уфа, 2007. – С. 27.

¹⁴ Shayakubov Sh. “Dinshunoslik” fanidan o‘quv-uslubiy majmua. – T.: TMI, 2018. – B. 111. / Саифназаров И., Хужаев М. “Кибермакон”да дин никобидидаги “киберхужум”лар таҳдиди // www.bukhari.uz.

¹⁵ Ахборот-коммуникация технологиялари изохли луғати. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Д.Ю.Атаджанов, Ибрагимов Д.А., Раҳимжонов З.Ё., Саидхўжаев С.С.. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. – Б.107.

¹⁶ Добринская Д.Е.. Киберпространство: территория современной жизни. –М.: научный журнал Московского государственного университета. 2018. Т. 24. № 1. – С. 59.

¹⁷ Ахборот-коммуникация технологиялари изохли луғати. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Атаджанов Д.Ю., Ибрагимов Д.А., Раҳимжонов З.Ё., Саидхўжаев С.С.. –Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашриёти, 2010. – Б.56.